



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги  
“Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини ташкил  
этиш тўғрисида” ги ПК-3646-сонли қарори ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги  
“Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини туздан такомиллаштириш  
чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5392-сон Фармони талаблари ижросини  
таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши  
қарор қилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги  
“Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш  
тўғрисида” ги ПК-3646-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида кўрсатилган  
қарори билан:

а) “Шахарсозлик хужжатлари экспертизаси” давлат унитар корхонаси  
ташқил қилинганлиги ва қуйдагилар унинг асосий вазифалари этиб  
белгиланганлиги:

белгиланган тартибда шахарсозлик хужжатлари экспертизасини  
ташқил этиш ва ўтказишни таъминлаш;  
архитектура-режалаштириш ва шахарсозлик ечимлари даражасини  
ошириш;

лойиха иши ва қурилиш ишлаб чиқаришини такомиллаштириш,  
лойиҳалаш ва қурилиш соҳасида илгор тажрибани ўрганиш ва  
оммалаштириш;

шахарсозлик фаолияти соҳасида буюртмачилар, шахарсозлик  
хужжатларини ишлаб чиқувчилар ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги  
келишмовчиликларни кўриб чиқиш;

ўрнатилган тартибда акредитациядан ўтган тадбиркорлик субъектлари  
хам ушбу бандда назарда тутилган вазифаларни бажариш ҳуқуқига эга  
эканлиги белгиланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига бир ой муддатда  
“Шахарсозлик хужжатлари экспертизаси” давлат унитар корхонасининг  
уставини ишлаб чиқиши ва унинг ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан  
ўтказилишини таъминлаш топширилганлиги;

б) Қуйдагилар:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги тизимининг ташкилий  
тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги марказий аппаратининг  
тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва  
Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаларининг тузилмалари 3 ва 3.1 -  
иловаларга мувофиқ;

Қурилиш бўйича ҳудудий бўлинмалар бошқарув ва ишлаб чиқариш  
ҳодимларининг чекланган сони 4-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

в) Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги (кейинги ўринларда  
Вазирлик деб юритилди) марказий аппаратининг Ўзбекистон Республикаси  
Давлат бюджекти маблағлари ва қонун хужжатларида таққиланмаган бошқа  
манбалар ҳисобидан молиялаштирилган бошқарув ҳодимлари чекланган  
сони 81 нафар этиб белгиланганлиги;

г) Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги:

зарур бўлганда, бошқарув ҳодимларининг белгиланган штатлар сони ва  
меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Вазирлик ва идоравий мансуб  
ташқилотларининг тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

Вазирлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги  
ўринларда - Жамғарма) маблағлари ҳисобидан Вазирликнинг қўшимча  
ҳодимлар штат бирликларини киритиш;

Вазирликка юқлатилган вазифаларни бажариш доирасида давлат  
органлари ва бошқа ташқилотлар, етакчи лойиҳа институтлари, илмий-  
таълим муассасалари, шунингдек, халқаро ташқилотлар ва чет эл  
компанияларининг юқори маалакли мутахассисларини маслаҳатчи сифатида  
жалб этиш;

юқори маалакли хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш,  
Жамғарма маблағлари ҳисобидан уларга иш ҳақи ва бошқа тўловлар  
миқдорини белгилаш ҳуқуқи берилганлиги;

д) хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари  
классификатори ишга қабул қилишда ҳодимлар маълумотининг энг паст  
даражаси, ишчилар касблари бўйича маалака разрядларини белгилаш  
юзасидан тегишли йўналишда хорижий олий таълим муассасаларини  
тамомлаган мутахассисларга нисбатан Вазирликда қўлланилиши, истисно  
тартиқида, таъсирчанлиги ҳақида эга эканлиги белгиланганлиги;

е) Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, шунингдек, унинг  
ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига  
бинван Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан лавозимга  
тайинланиши ва лавозимдан озод этилиши;

Вазирлик тизимидаги ҳодимларга қонун хужжатларида назарда  
тутилган устама ҳақлари ва қўшимча тўловлардан ташқари Ўзбекистон  
Республикаси Молий вазирлиги билан келишилган ҳолда Қурилиш вазирли  
томонидан тасдиқланган қурилиш соҳаси ҳодимлари фаолиятини  
баҳолашнинг рейтинг тизимида мувофиқ аниқланадиган меҳнатдаги юқори  
натижалари учун Жамғарма маблағлари ҳисобидан қуйдаги миқдорларда  
рабатлантирувчи тўловлар амалга оширилиши ва унга қўра:

лавозим маошига нисбатан 50 фоиз - 70 баълдан 80 баългача тўплаган  
ҳодимларга;

лавозим маошига нисбатан 100 фоиз - 80 баллдан 90 баллгача тўплаган ходимларга;

лавозим маошига нисбатан 200 фоиз - 90 баллдан 100 баллгача тўплаган ходимларга тўлаш белгилаб қўйилганлиги;

бунда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги "Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 414-сон қарорининг бюджетдан ташқари маблағларни ишлатиш қисмидаги талаблари Вазирликка нисбатан жорий эгилмаслиги кўрсатиб ўтилганлиги;

ж) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бир ой муддатда Вазирлик ва Жамғарма тўғрисидаги низомажни, жумладан Жамғарманнинг даромад манбаъларини аниқлаштирган ҳолда, шунингдек, Вазирлик ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг тўзилмасини тасдиқлаш топширилганлиги;

з) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига Вазирликнинг буюртмалари бўйича юклатилган вазифаларни ижро этиш учун жалб қилинаётган чет эл мутахассисларига давлат божи ундирилмасдан кўп марталик визалар расмийлаштирилиши, берилиши ва муддати узайтирилишини, шунингдек, уларни вақтинча прописка қилиш, турган жойи бўйича ҳисобга олиш ҳамда уларнинг узайтирилишини таъминлаш топширилганлиги;

и) Ўзбекистон Республикаси Бандалик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига Вазирликнинг буюртмалари бўйича юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун республикага чет эл мутахассисларини жалб қилишга руҳсатномалар берилишини (узайтирилишини), шунингдек, жалб қилинаётган чет эл мутахассисларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқида тасдиқномалар берилишини (узайтирилишини) таъминлаш топширилганлиги;

к) Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 5-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисобланганлиги;

л) Вазирликка Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қоронида кўрсатилган қарори билан тасдиқланган:

3-иловага мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги тўзилмасини;

4 - илованига мувофиқ қурилиш бўйича туманлар ва Нукус шаҳри ҳудудий бўлиmlларда бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимларининг чекланган сони асосида ташкилий тўзилмаларини ишлаб чиқинлар ва ўрнатилган тартибда тасдиқласин.


4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг айрим қарорлари иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги туманлар ва Нукус шаҳри ҳокимликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўз норматив ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартриш ва қўшимчаларга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари А.А.Тажетдинов, Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари С.И.Нагметов зиммасига юклагансин.

Қорақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгашининг Раиси


К.Сариев



Организационная структура  
системы Министерства строительства Республики Узбекистан




Структура  
центрального аппарата Министерства строительства Республики Узбекистан



Приложение № 3  
к постановлению Президента Республики Узбекистан  
от « 2 » апреля 2018 года № ПП-3646


### Структура Министерства строительства Республики Каракалпакстан



Всего штатная численность управленческого персонала составляет 15 ед.  
\* численность материальско-обслуживающего персонала определяется  
в соответствии с установленными нормативами.

Приложение № 3.1  
к постановлению Президента Республики Узбекистан  
от « 2 » апреля 2018 года № ПП-3646

### Типовая структура главных управлений строительства областей и г. Ташкента



Всего штатная численность управленческого персонала составляет 13-15 ед.  
\* численность материальско-обслуживающего персонала определяется  
в соответствии с установленными нормативами.

Предельная численность  
управленческого и производственного персонала  
территориальных подразделений по строительству

№	Территориальные подразделения	Предельная численность	из них		
			в главных управлениях*	в отделах районов (городов)	
1.	Республика Каракалпакстан	63	15	16	32
2.	Анжлийнская область	62	14	16	32
3.	Бухарская область	53	14	13	26
4.	Джизакская область	52	13	13	26
5.	Кашкардарьинская область	60	15	15	30
6.	Навоийская область	43	13	10	20
7.	Наманганская область	50	14	12	24
8.	Самаркандская область	62	14	16	32
9.	Сурхандарьинская область	56	14	14	28
10.	Сырдарьинская область	46	13	11	22
11.	Ташкентская область	80	14	22	44
12.	Ферганская область	72	15	19	38
13.	Хорезмская область	49	13	12	24
14.	город Ташкент	48	15	11	22
	Всего	796	196	200	400

\* В Республике Каракалпакстан – Министерство строительства Республики Каракалпакстан.

Вазирлар Кенгашининг  
2018 йил « 6 » апрелдаги  
229 -сонли қарорига  
Илова

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ўз қучини  
иққотган деб ҳисобланган айрим қарорлари

1. Вазирлар Кенгашининг 2014 йил 12 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 мартдаги «Қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2137-сонли қарори ҳақида»ги 77-сонли қарори 2 банд билан маълумот учун қабул қилинган «а», «б», «е», «ж» қичик бандлари ва 3 банд.

2. Вазирлар Кенгашининг 2017 йил 6 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2936-сонли қарори ҳақида»ги 287-сонли қарори 2 банд билан маълумот учун қабул қилинган «в» қичик банди 1-7-сонли иловалари билан.